

15/12-сонли транспорт хизмати кўрсатиш шартномаси
(Лот №203329 15.12.2022й)

«19» Декабрь 2022 йил

Пайарик шаҳри

“Пайарик туман йуллардан фойдаланиш” УК номидан(бундан буён “Буюртмачи” деб юритилади) корхона низомига асосан иш юритувчи корхона директори Ш Турабеков бир томондан ва «Мозий савдо сервис» МЧЖ номидан (бундан буён “Бажарувчи” деб юритилади) жамият низоми асосида иш юритувчи раҳбари Н Бухаров иккинчи томондан қуйидаги шартномани туздик.

1. Шартнома предмети

1.1. “Бажарувчи” ўзига тегишли бўлган махсус транспорт воситалари билан “Буюртмачи” талаб буйича транспортхизмат кўрсатиш мажбуриятини олади. “Буюртмачи” эса “Бажарувчи”га ҳақиқатда бажарилган ишни қабул қилиш ҳамда шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган шартномавий нархларни келишув баённомасига асосан кўрсатилган хизмат учун барча объектларни молиялаштириш амалга оширилгандан кейин тўлов амалга оширади.

1.2. Шартноманинг умумий қиймати 61 000 000 (Олтинчи бир миллион сўм)сўмни ташкил қилади. Шартнома умумий қиймати тахминий бўлиб, ҳақиқатда бажарилган иш бўйича камайиши ёки кўпайиши мумкин.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. “Бажарувчи”нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- “Буюртмачи” буюртманомасида кўрсатилган хизматларни белгиланган муддатда бажариш, бажариш муддати бажариладиган ишга оид ҳужжатларда, буюртманомада ёки мазкур иш бажарилаётган объект учун маъсул шахс кўрсатмаси билан белгиланади;

- бажариладиган ишлар учун техник сўз, фойдаланишга яроқли махсус транспорт ёки машина механизмларини ҳайдовчиси билан ажратиш;

- махсус транспорт ёки машина механизмлари сўз ҳолатда ишлашини ўз ҳисобидан таъминлаш;

- бажарилиши керак бўлган ишни бажариш бўйича қўйилган талаблар асосида бажариш, мазкур иш белгиланган тартибда қабул қилингунга қадар иш сифати бўйича билдирилган эътирозли жараёнларда иштирок этиш ҳамда бартараф этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш

- хизмат кўрсатилишидан аввал “Буюртмачи”га транспорт воситаларининг қайд этиш гувоҳномаси нуسخаси, транспорт воситасининг русуми, давлат рақам белгиси ва ҳайдовчиси борасидаги маълумотларни тақдим қилиш;

- кўрсатиладиган хизмат тугагунга қадар “Буюртмачи” объектда ишлаши тўғрисида шартлашилган махсус транспорт ёки машина механизмларини бошқа хўжалик юритувчи субъектларга бермаслик ва бошқа мажбуриятларни қабул қилмаслик;

- кўрсатиладиган хизматни маъсул шахсларга топшириш;

- ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 10 санасига қадар бажарилган ишлар учун тўлов счёти (ҳисоб фактура)ни тақдим қилади шунингдек ҳисоб варақ фактура “Буюртмачи” томонидан тасдиқлаб берилгандан сўнг 3 (уч) кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14августдаги 489-сон қарорига мувофиқ электрон кўринишда ЭХФ операторлари орқали жўнатади;

- кўрсатилган хизмат учун тегишли объект учун молиялаштирувчи томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан келишилган миқдорда хизмат учун тўлов олиш.

2.2. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- махсус транспорт ёки машина механизмларини ўз вақтида ишлашини таъминлаш;

- бажариладиган иш учун зарур ҳолларда ўзаро келишган тартибда дизель ёқилгиси билан таъминлаш ва далолатнома асосида тарқатилган дизел ёқилгиси расмийлаштириб бериш;

- ҳайдовчиларни ўзаро келишув асосида озик-овқат билан таъминлаш, харажатлар қиймати ҳисоб варақ фактура билан расмийлаштириб бериш ;

- “Бажарувчи” томонидан белгиланган муддат ва тартибда тўлов счёти (ҳисоб-фактура) тақдим қилинганда тақдирда, тегишли объект учун буюртмачи (молиялаштирувчи) томонидан амалга оширилган тўловлар ҳисобидан хизмат ҳақини амалга ошириш;

- “Буюртмачи” “Бажарувчи” томонидан тақдим қилинган ҳисоб варақ фактураларини буюртмачи ташкилотлар томонидан иш ҳажмлари қабул қилиниб расмийлаштирилган объектлар бўйича қабул қилади ва 3 (уч) кун муддатда расмийлаштириб беради.

- етказилган зарар, ўз вақтида ва лозим даражада кўрсатилмаган хизмат учун неустойка ундириш.

3. Ўзаро ҳисоб-китоб тартиби

3.1. “Буюртмачи” шартнома умумий қийматининг 15 фоизи миқдорида олдиндан тўлов амалга оширади ёки ёқилги мойлаш маҳсулотлари билан таъминлайди, якуний тўловни белгиланган тартибда тўлов счёти (ҳисоб фактура) тақдим қилинганидан ва тегишли объект учун буюртмачи (молиялаштирувчи) томонидан тўлов амалга оширилганидан сўнг 90 иш куни ичида транспорт хизмати умумий қийматининг 90 фоизи

тўланиб қолган 10фоизини молиялаштирувчи ташкилот билан қорхона ўртасидаги шартномага асосан «Объект»нинг кафолат муддати тугагандан кейин тўланади (бунда ёқилги ва озик-овқат қиймати сақлаб қолинади).

3.2. Буюртманома берилмаган ҳолда, бажарилган ишлар учун «Бажарувчи»га тўлов амалга оширилмайди.

4. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. «Бажарувчи» буюртманомада белгиланган муддатда махсус транспорт ёки машина механизмларини ажратмаган ёки техник носоз ҳолда ажратган тақдирда шартнома умумий қийматининг 10 фоизи миқдорда «Буюртмачи»га жарима тўлайди.

4.2. «Бажарувчи» томонидан мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаган тақдирда, кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган мажбурият қийматининг 0.2 фоизи миқдорда, аммо 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда «Буюртмачи»га пеня тўланади.

4.3. «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида амалга тўлов амалга оширилмаган тақдирда, кечиктирилган ҳар бир кун учун амалга оширилиши лозим бўлган тўлов қийматининг 0.2 фоизи миқдорда, аммо 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда «Бажарувчи»га пеня тўланади.

4.4. Тарафлар келишувида қайд қилинмаган махсус транспорт ёки машина механизмлари билан ишлар бажарилиши оқибатида ортиқча харажатлар, хусусан иш бажариш ҳажми кичик ёки харажати кўп бўлган махсус транспорт ёки машина механизмларида ишлар бажарилгандаги қўшимча харажатлар қопланмайди ва тўлов келишилган махсус транспорт ёки машина механизмлари учун белгиланган миқдорда амалга оширилади.

4.5 «Бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 2.1 банди 8-қисмида кўрсатилган муддатда ҳисобот оғи учун тақдим қилинмаган кўрсатилган механизм хизматлар бўйича ҳисоб варақ фактуралар қабул қилинмайди ҳамда кейинги ойлар учун тақдим қилинадиган ҳисоб варақ фактураларга қўшиб расмийлаштиришга йўл қўйилмайди.

4.6. «Бажарувчи» сифатли бажарилмаган иш оқибатини 5 кунлик муддат ичида бартараф этади ва зарарни тўлик қоплайди, аке ҳолда суд орқали зарар ундирилади.

5. Форс-мажор ҳолатлари

5.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳодисалар (ёнгин, сув тошқини, ер силқиниши ва фавқулодда ҳолатларда) рўй берган ва бу мажбурият бажарилишига реал тўқинилик қилган тақдирда, тарафларнинг мажбуриятларини бажариши шу муддатга кечиктирилади, тарафлар бу ҳақида бир-бирини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

5.2. Форс-мажор ҳолати вақолатли органлар маълумот билан тасдиқланиши мумкин, бу ҳолатда кўрилган зарарлар қопланмайди.

6. Қўшимча шартлар

6.1. Мазкур шартнома тарафлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил " 31 " Декабрғача амал қилади.

6.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нуسخада ўзбек тилида тузилган бўлиб, тарафларда бир нуسخадан сақланади.

6.3. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда киритилади ҳамда мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.4. Мазкур шартнома бўйича томонлар ўртасида юзага келадиган низолар ўзаро келишув йўли билан ҳал қилинади, ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда низо бўйича Самарқанд туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилинади.

7. Томонларнинг реқвизитлариваманзиллари

Буюртмачи:

Пайарик ТИФУК

Пайарик ш И Жунайдуллаев-2

х/р 4700 1086 0182 2470 4519 3117 001

Марказий банкнинг Тошкент

Шаҳар Бош бошқармаси

МФО 00014 ИФУТ 42110

ИНН 2

ИД

Т

Директор: Ш. Тураббеков

Бажарувчи:

«Мозий савдо сервис» МЧЖ

Пайарик тумани

СТИР код: 303108099

ИФУТ:61110

Х/Р 20208000900407732001

Банк номи: Пайарик ДТ Халқ банки

МФО: 00726

Рахбар (директор):



Юрис. А.А.В.
№ 6N123534

Ш. Тураббеков
20.06.2004 й